

ижро этиш муддати бу каби вазиятлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган вақтга мутаносиб равишда орқага сурилади.

7.2. Шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этишга имконияти бўлмаган томон, мажбуриятларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилувчи вазиятлар содир бўлгани ёки туганганлиги ҳақида бошқа томонга билдириш керак. Тегишли ваколатли идора томонидан "Сотувчи" ёки "Харидор"га берилган маълумотнома юқорида кўрсатилган вазиятлар мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

8. ДАЪВОЛАШУВЧИЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ.

8.1. Ушбу шартномани ижро этиш пайтида вужудга келувчи низолар ва даъволашувлар қоида тариқасида музокаларлар йўли билан, келишувга келинмаганда эса жавобгар жойлашган жойдаги Хўжалик судида ҳал этилади.

8.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллардан ташқари шартномани ижро қилишдан бир томонлама воз кечишга йўл қўйилмайди.

9. ҲАР ХИЛ ВА МАХСУС ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат икки тараф томонидан ёзма равишда тузилиб имзо қўйилиб тегишли Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

9.3. "Сотувчи", "Харидор"нинг талабидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулотни тўлов ҳисоб варағига мувофиқ ассортиментда етказиб беришга ҳақлидир. (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. 400-модда асосида.)

9.4. "Харидор" маҳсулотни ассортиментда қабул қилиб олиш пайтида, маҳсулотлар ассортименти омборларда мавжуд бўлган маҳсулотлардан келиб чиқиб белгиланади.

9.5. "Сотувчи" билан Дистрибютерлик шартномасига эга бўлмаган "Харидор" муқим савдо тармоқлари ва назорат касса машиналари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни ва ҳужжатларни "Сотувчи"га тақдим этади. Агар бундай ахборот ва ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, "Харидор" маҳсулотлардан тижорат мақсадида фойдаланишга ҳақли бўлмайди.

9.6. Ушбу шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар улар ёзма равишда ва томонларнинг шунга вакил қилинган вакиллари томонидан керакли тарзда имзоланган тақдирда ҳақиқий саналади.

9.7. Ушбу шартнома бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг бошқа кишига берилишига фақат ҳар иккала томоннинг ёзма розилиги билан йўл қўйилади.

9.8. Маҳсулот фақат "Харидор" томонидан моддий жавобгар шахсининг паспорти ва ишончномаси тақдим этилган ҳолдагина берилади.

10. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

10.1. Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиладиган. Шартнома шартларига ўзгартиш киритиш томонларнинг келишуви асосида, қўшимча келишув имзоланиш йули орқали амалга оширилади. Шартнома амал қилиш муддатининг тугаши томонлар жавобгарлигидан озод қилмайди.

10.2. Шартнома матни 2 нусхада ўзбек тилида тузилган, нусхаларидан ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«СОТУВЧИ»

ООО «URAL OXYGEN»

Жиззах т. Зиёкор КФЙ А.Навоий куч 20 уй.

х/р: 20208000400697633001

АТ «Ипотека банк» Жиззах ш.ф.ли

МФО: 00122 СТИР 304420012

ОКОНХ. 13116 тел 99890 311 21 11

Рахбари

Н.Уралов




«ТУЛОВЧИ»

Рустам Нисзах Рамчи
Нисзах шаҳар Тоғтепе маҳалласи
"Имфокор"Л

х/р 00021860034012073102054001
Ипотека банк ш.ф.о.о.о.ч
ИНН 201672804 ОКОНХ 9153

рахбари



«ОЛУВЧИ»

Рахбари